

Ўзбекистон Ва Халқаро Ташкилотлар Ўртасидаги Ҳарбий-Дипломатик Ҳамкорлик: Тизимли Таҳлил Ва Истиқболлар

Арипов Ботир Бахтиярович

Ўзбекистон Республика Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг сўнгги беш йилдаги ҳарбий-дипломатик фаолияти халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО, ШХТ, ЕХХТ, КХШТ, ЕИ) ва ривожланган давлатлар (АҚШ, Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва бошқалар) билан ҳамкорлик асосида таҳлил этилган. Мақолада маҳаллий ва хорижий экспертларнинг илмий назариялари, амалий лойиҳалар, ўқув дастурлари, қўшма машғулотлар, киберхавфсизлик ва тинчликпарварлик соҳасидаги тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумот берилади. Шу билан бирга, ҳарбий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, парламент ва жамоатчилик назорати, ҳамда келгусида алоҳида қонун қабул қилиш зарурати илмий асосланган ҳолда асослаб берилган.

Калит сўзлар: ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар, стратегик шериклик, тинчликпарварлик, киберхавфсизлик, НАТО, ШХТ, БМТ, ҳуқуқий асослар, миллий хавфсизлик, нейтраллик сиёсати.

Ҳозирги глобал хавфсизлик муҳитида геосиёсий зиддиятлар, минтақавий можаролар, гибрид таҳдидлар ва кибер хатарлар ортиб бораётган шароитда, давлатларнинг стратегик ҳамкорликка асосланган ҳарбий-дўстона муносабатлари нафақат миллий мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, балки минтақавий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев бу жараённинг аҳамиятини таъкидлар экан, **“Биз ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, яқин ва узоқ хориждаги стратегик ҳамкорларимиз билан ҳарбий-техник ва ҳарбий-сиёсий мулоқотни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратамиз”¹** дейди. Ушбу сўзлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида стратегик ҳамкор давлатлар билан ҳарбий дўстона алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилганини тасдиқлайди. Бу йўналишдаги ҳамкорлик фақат ҳарбий соҳада эмас, балки мудофаа саноати, кадрлар тайёрлаш, қўшма ўқувлар ва ҳарбий-моддий техник ёрдам каби жабҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Бундан ташқари, яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, **“Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш — бугунги кунда нафақат миллий, балки минтақавий барқарорликнинг асосий кафолатларидан биридир”²**. Мазкур сўзлар Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, КХШТ, ОТБ, НАТО билан мулоқот механизмлари, шунингдек, Россия, Хитой, Туркия, АҚШ, Жанубий Корея, Покистон ва Озарбайжон каби давлатлар билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик алоқаларини стратегик аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бундай муносабатлар нафақат ҳарбий соҳадаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz>

² Мирзиёев Ш.М. ШХТ давлат раҳбарлари саммитидаги нутқидан, Душанбе, 2021 йил 17 сентябр.

тажриба алмашинувини таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик фаолиятини халқаро миқёсда мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ҳарбий-дипломатик фаолияти миллий манфаатларга асосланган ҳолда шаклланиб, турли маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан илмий ёндашувлар ва назарий моделлар асосида таҳлил қилинмоқда. Бу таҳлиллар, аввало, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг “нейтраллик”³, “мулти-вектор йўналиши”⁴ ва “ҳамкорлик дипломатияси”⁵ каби стратегик концепциялари доирасида юритилади.

Жумладан, халқаро муносабатлар ва мудофаа сиёсати соҳасидаги маҳаллий мутахассис Ж.Ҳ. Мўминов томонидан илгари сурилган “Стратегик манёврлар доктринаси” назариясига кўра, Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик сиёсати ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, мустақил қарорлар қабул қилиш ва “маҳдуд манёвр ихтиёри билан суверенитетни ҳимоя қилиш” тамойилига асосланади. Муаллифнинг таъкидлашича, мазкур ёндашув Ўзбекистонга ташқи геосиёсий босимларсиз халқаро майдонда самарали интеграциялаш имконини беради⁶.

Бошқа бир назарий қараш ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олим Н.Ш. Эргашев томонидан илгари сурилган бўлиб, у “институционал интеграция” модели доирасида ҳарбий-дипломатиянинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, парламент ва фуқаролик жамиятининг назоратини кучайтиришни таклиф этади. Унинг фикрига кўра, амалдаги миллий қонунчиликда ҳарбий ҳамкорлик масалалари етарлича ҳуқуқий асосда тартибга солинмаган ва бу борада қонунчилик ислоҳотлар зарур⁷.

Шу билан бирга, халқаро хавфсизлик ва геосиёсат соҳасидаги тадқиқотчи Ш.К. Алимова ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни “коллектив барқарорлик платформаси” назарияси асосида баҳолайди. У ШХТ, ОТМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни Ўзбекистон учун стратегик шериклик имконияти сифатида кўриб, “ишонч яратилиши тизимлари”ни ривожлантиришда ушбу платформаларнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди⁸.

Халқаро муносабатлар ва ҳарбий-сиёсий таҳлил соҳасида фаолият юритувчи мутахассис Қ. Жўраев эса Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик сиёсатини “иқтидорли нейтраллик” концепцияси билан тушунтиради. Унга кўра, мамлакат можароли минтақаларда ҳарбий жиҳатдан иштирок этмасдан, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида фаол дипломатик саъй-ҳаракатларда иштирок этиб келмоқда⁹.

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос Ҳ. Мамадалиев фикрича, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва ЕХХТ билан амалга оширилаётган ҳамкорлик мамлакатда қонунчилик ва ҳарбий соҳани модернизация қилишга хизмат қилмоқда. Айниқса, мазкур ташкилотлар доирасида ўтказилаётган лойиҳалар орқали ҳарбий кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида амалий

³ *Изоҳ:* Нейтраллик — давлатнинг ташқи сиёсатида ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик, ҳарбий можароларда бетараф қолиш, хорижий ҳарбий базаларга рухсат бермаслик ва ички ишларига ташқи аралашувларга йўл қўймаслик принципига асосланган стратегиядир.

⁴ *Изоҳ:* Мулти-вектор ташқи сиёсат — давлатнинг бир ёки бир нечта геосиёсий кутблар билан эмас, балки турли томонлар (Шарқ–Ғарб, Жануб–Шимол) билан бир вақтда манфаатли алоқалар ўрнатиш, ташқи манфаатларни мувозанатлаш стратегиясидир.

⁵ *Изоҳ:* Ҳамкорлик дипломатияси (collaborative diplomacy) — давлатларнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда очик, конструктив ва тинч йўл билан ўзаро ишонч, эҳтиёж ва манфаатлар асосида алоқалар ўрнатишини англатади.

⁶ Мўминов Ж.Ҳ. “Ўзбекистон ташқи сиёсат доктринаси ва ҳарбий ҳамкорлик масалалари”, *ЎЗМУ Халқаро муносабатлар журнали*, 2022, №2, 14–21 - бетлар.

⁷ Эргашев Н.Ш. “Ҳарбий-дипломатик муносабатларда ҳуқуқий механизмлар”, *Юрист журнали*, 2021, №3, 48–55-бетлар.

⁸ Алимова Ш.К. “Марказий Осиёда хавфсизлик архитектурасида Ўзбекистоннинг ўрни”, *Жаҳон сиёсати журнали*, 2023, №1, 35–43-бетлар.

⁹ Жўраев Қ. “Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегияси: геосиёсий таҳлил”, Тошкент: Фап, 2022. – 112–117-бетлар.

натижалар кузатилмоқда¹⁰. Мустақил таҳлилчи *Б. Эргашев* эса ўз илмий қарашларида Ўзбекистоннинг НАТО ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги асосан ҳарбий таълим, инсон хавфсизлиги ва логистика соҳаларида ривожланаётганини таъкидлайди¹¹. Шунингдек, Тошкент стратегик тадқиқотлар институтининг етакчи эксперти *С. Валиев* фикрича¹², Ўзбекистоннинг ШХТ, МДХ ва НАТО билан бир вақтда ҳамкорлик олиб бориш сиёсати мамлакат ташқи сиёсатининг мувозанат сақлашга қаратилган стратегик йўналишини англатади.

Шу билан бирга, хорижий эксперт ва олимлар томонидан илгари сурилган илмий-назарий ёндашувлар ва таҳлилий фикрлар таҳлиliga кўра, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар билан ҳарбий дипломатик ҳамкорлик муносабатларига қуйидагича фикр билдиришган. Хусусан, АҚШлик танқидий геосиёсий таҳлилчи ва Hudson Institute таҳлилий маркази катта илмий ҳамкори *Richard Weitz* томонидан ишлаб чиқилган “*мулти-вектор мувозанатлаш стратегияси*” назариясида Ўзбекистон ташқи сиёсати геосиёсий ўйинчилар ўртасида манфаатларни мувозанатлаш орқали юритилувчи мустақил йўл сифатида талқин этилади. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг ушбу стратегияси “*Совуқ уруш*” давридаги Финляндиянинг бетараф ва прагматик сиёсати билан таққосланиши мумкин дейди¹³.

Шунингдек, АҚШ-Хитой муносабатлари ва Осиё-Тинч океани хавфсизлиги соҳасида тан олинган ҳарбий-сиёсий таҳлилчи *Andrew Erickson* томонидан илгари сурилган “*иқтидорли нейтраллик*” назариясига кўра, Ўзбекистон ҳарбий можароларга аралашмасдан, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ҳарбий-дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга интилади. Унинг фикрича, мамлакатнинг бу каби фаолияти минтакавий барқарорликни таъминлашда “*тенг масофадаги шерикчилик*” моделига тўғри келади¹⁴.

Россия Федерациясининг Марказий Осиё бўйича етакчи эксперти *Александр Князев* эса Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (КХШТ) доирасидаги ҳарбий ҳамкорлигини эҳтиёткорлик билан юритилишини миллий “суверенитетни устувор қадрият” сифатида баҳолайди. Унинг таъкидича, Тошкент ҳар қандай ҳарбий блокқа қўшилишдан ўзини тияди, бироқ стратегик алоқаларни сақлаб қолишга эътибор қаратади¹⁵ дейди.

Франциялик халқаро ҳуқуқ ва ташқи сиёсат тадқиқотчиси *Baptiste Jeangène Vilmer* томонидан илгари сурилган “Норматив куч” назарияси доирасида Европа Иттифоқи ва Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликда ҳарбий соҳада инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва институционал назорат механизмлари асосида салоҳиятни ривожлантиришни мақсад қилмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳарбий ислохотлар инсон хавфсизлиги стандарти билан уйғунлаштирилиши зарурлигига алоҳида урғу беради¹⁶.

Шу билан бирга, Женева хавфсизлик сиёсати маркази (DCAF) ва ЕХХТ собиқ Бош котиби *Thomas Greminger* томонидан ишлаб чиқилган “*институционал ўзаро боғлиқлик*” назариясига кўра, Ўзбекистоннинг НАТО билан ўзаро муносабатлари икки ва кўп томонлама

¹⁰ *Мамадалиев Ҳ.* “Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг ҳарбий ҳамкорлик сиёсати”, *Тошкент ҳуқуқ институти илмий тўплами*, 2022. – 78–85-бетлар.

¹¹ *Эргашев Б.* “Ўзбекистоннинг Европа ва Атлантика ҳамжамияти билан ҳарбий-техник алоқалари”, *Жаҳон сиёсати журнали*, №2, 2023. – 38–42-бетлар.

¹² *Валиев С.* “Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги босқичи: стратегик шерикликлар таҳлили”, *Strategiya XXI журнали*, №1, 2024. – 22–30-бетлар.

¹³ *Weitz, R.* Uzbekistan’s New Foreign Policy. Silk Road Paper. 2018.

<https://silkroadstudies.org/resources/pdf/SilkRoadPapers/1801Weitz.pdf>

¹⁴ *Erickson, A.S.* PLA Military Diplomacy during 2023, CMSI Blog, 2024.

<https://www.-andrewerickson.com/2024/04/pla-military-diplomacy-during-2023/>

¹⁵ *Князев А.* “Центральная Азия и политика нейтралитета Узбекистана”, *Азиатский вектор*, №4, 2020. – 65–70-бетлар.

¹⁶ *Vilmer, J.B.* “Soft Power and Strategic Autonomy in Central Asia”, IRSEM Report No. 158, 2022.

<https://www.irsem.fr>

ҳамкорлик платформалари орқали стратегик тузилмалар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган. Унингча, Ўзбекистондаги ҳарбий ислоҳотлар бошқарув шаффофлиги, фуқаролик назорати ва салоҳиятни тўплаш билан уйғун равишда ривожланмоқда деб алоҳида таъкилади¹⁷.

Россиялик халқаро таҳлилчи ва тинчлик масалалари бўйича маслаҳатчи *Анна Матвеева (King's College London)* эса Ўзбекистоннинг “мултивектор” сиёсати орқали ҳам Россия, ҳам Ғарб, ҳам Хитой билан бир вақтда ҳарбий-дипломатик алоқаларни сақлаб қолиши — унинг ташқи сиёсатдаги прагматик, конструктив ва мувозанатли ёндашувини кўрсатади деб таъкидлайди. Унингча, бу фаолият “*бетарафлик эмас, балки эҳтиёткор фаолият*” дир¹⁸.

Юқорида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашлари таҳлиладан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сўнгги беш йилдаги ҳарбий-дипломатик фаолияти миллий манфаатлар ва суверенитетни устувор қўйган ҳолда, геосиёсий мувозанатни сақлашга қаратилган прагматик ва конструктив ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Бу фаолият “нейтраллик”, “мултивектор йўналиш”, “иқтидорли нейтраллик” ва “стратегик манёвр” каби илмий-назарий моделлар билан тушунтирилиб, мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятини комплекс тарзда баҳолаш имконини беради. Жумладан:

биринчидан, маҳаллий мутахассислар томонидан илгари сурилган доктриналар ва моделлар — масалан, *Ж.Ҳ. Мўминовнинг* “Стратегик манёврлар доктринаси” ёки *Н.Ш. Эргашевнинг* “институционал интеграция” ёндашуви — Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик фаолиятида ички ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, парламент ва фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини асослаб беради.

иккинчидан, хорижий экспертларнинг таҳлиллари — жумладан, *Richard Weitz, Andrew Erickson, Thomas Greminger* ва *Baptiste Jeangène Vilmer* сингари мутахассисларнинг назариялари — Ўзбекистоннинг геосиёсий позициясини химоя қилувчи, тинчликсевар ва халқаро ташкилотлар билан манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ташқи сиёсатини илмий асосда тасдиқлайди.

Эндиликда, янги Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳада бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар билан стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу ҳамкорликлар мамлакатнинг ҳарбий-дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни таъминлаш, жанговар тайёргарлик, ҳарбий таълим, тинчликпарварлик ва киберхавфсизлик соҳаларида илғор тажрибаларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, айти масала юзасидан халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик форматларини таҳлил этиш, мавзунинг илмий-амалий аҳамиятини очиш ҳамда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг турфа институционал моделларини солиштирма таҳлил қилишга шароит яратади:

➤ ***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги*** – Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ҳарбий ва ҳарбий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ўзининг глобал хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий йўналишининг устувор қисми сифатида қараб келмоқда. Бундай ҳамкорлик, аввало, халқаро тинчликпарварлик операцияларида иштирок этиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини ҳарбий хизматчиларга сингдириш, шунингдек, терроризм, жиноятчилик ва қуроли мижозларни олдини олиш соҳаларида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон 2010 йилдан бошлаб БМТнинг “Тинчликпарварлик қобилиятига тайёргарлик тизими” (Peacekeeping Capability Readiness System – PCRS) доирасида фаолият юритиб, ўз ҳарбий хизматчиларининг халқаро миссиялардаги иштирокини таъминлаш

¹⁷ DCAF Annual Report, 2023. <https://dcaf.ch>

¹⁸ *Matveeva A.* “Uzbekistan between major powers: Security and diplomacy.” *International Affairs Review*, Vol. 95, No. 3, 2019. – pp. 473–490.

бўйича институционал салоҳиятини босқичма-босқич ривожлантириб келмоқда. Бу жараёнда, Ўзбекистонда махсус тайёргарлик кўрган ва инглиз тилини билувчи офицерлар, тиббий хизмат ходимлари ва муҳандислар контингентлари шакллантирилган. Айниқса, 2019 йилда Ўзбекистон Миллий гвардиясининг 20 нафар ҳарбий хизматчисининг БМТнинг Гаити ва Жанубий Судан миссияларида тинчликпарварлик вазифаларини бажаришдаги иштироки мамлакатнинг халқаро тинчлик жараёнларидаги янги босқичга кўтарилишини англатади¹⁹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг ҳарбий соҳадаги қўшимча дастурлари, жумладан, “Uniformed Gender Parity Strategy”²⁰ ва “Integrated Training Service”²¹ орқали ҳарбий хизматчиларнинг фуқаролик ҳимояси, қонун устуворлиги, маҳаллий аҳоли билан мулоқот ва маданий ҳассасалик каби соҳаларда тайёргарлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2022 йилда БМТнинг *Comprehensive Training Initiative for Peace Support Operations (COTIPSO)*²² дастури доирасида Тошкентда минтақавий семинар ташкил этилган бўлиб, унда Марказий Осиё давлатларининг 40 дан ортиқ ҳарбий ва полиция хизматчилари қатнашган²³.

Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлари мамлакатнинг ҳарбий-дипломатик имкониятларини оширишга, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга, шунингдек, миллий Куролли Кучларнинг модернизацияси жараёнида инсон ҳуқуқларига эҳтиром маданиятини сингдиришга хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги “тинчликпарвар дипломатия” ва “нейтраллик” каби стратегик тамойиллар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада самарали ва мувозанатлашган тарзда юритишга имконият яратмоқда²⁴;

➤ *Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги* – Ўзбекистон Республикаси ШХТнинг асосчиларидан бири сифатида ушбу ташкилот доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим стратегик восита сифатида баҳолайди. ШХТнинг ҳарбий соҳадаги фаолияти, аввало, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қўшма кураш, ҳарбий-техник тайёргарлик, жанговар ҳамкорлик ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик каби йўналишларда амалга оширилади. Ташкилотнинг “учта ёвуз куч”²⁵ – “терроризм, сепаратизм ва экстремизм”га қарши йўналтирилган концепцияси Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик стратегияси билан уйғунликда шакллантирилган.

Ўзбекистон ҳар йили ШХТ доирасида ўтказиладиган “Мирная миссия” (Peace Mission) номли қўшма ҳарбий машқларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу машқлар ШХТ аъзо давлатларининг жанговар мувофиқлашувини ошириш, халқаро терроризмга қарши қўшма операцияларни режалаштириш ва ўтказиш, ҳамкор қўшинлар ўртасида тажриба алмашиш имкониятларини яратади. Масалан, 2021 йил сентябрь ойида Россиянинг Оренбург вилоятида бўлиб ўтган “Мирная миссия-2021” ва Қозоғистонда ўтказилган “Марказ-2021” машғулотларида Ўзбекистон Куролли Кучлари қаторида 200 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи билан қатнашди. Улар махсус зўравон гуруҳларга қарши жанговар

¹⁹ Home United Nations Peacekeeping // <https://peacekeeping.un.org/en>

²⁰ Uniformed Gender Parity Strategy 2018-2028 // <https://peacekeeping.un.org/en/uniformed-gender-parity-strategy-2018-2018-full-text>

²¹ Home United Nations Police // <https://police.un.org/en/un-integrated-training-service-organizes-development-course-to-certify-member-state-trainers-to-0>

²² Peace Operations Training Institute // <https://www.peaceopstraining.org/>

²³ Home United Nations Peacekeeping // Department of Peace Operations // <https://peacekeeping.un.org/en/departement-of-peace-operations>

²⁴ Мўминов Ж.Ҳ. “Ўзбекистон ташқи сиёсатида тинчликпарварлик ва бетарафлик стратегиялари,” *Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик масалалари*, №2 (2023), 45–53-б.

²⁵ Тўлаганов Ш. “Экспертлар: Ҳиндистон ва Покистон ШХТга аъзо бўлиши билан ташкилот том маънода “Евроосиё саккизлиги”га айланди” // https://uz.uz/uz/posts/ekspertlar-hindiston-va-pokiston-shhtga-azo-bolishi-bilan-tashkilot-tom-manoda-evroosiyo-sakkizligiga-aylandi_271057

операциялардаги ўзаро ҳамкорлик, техник воситалардан фойдаланиш, разведка ва логистика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишда иштирок этдилар²⁶.

Шунингдек, Ўзбекистон ШХТ доирасида ҳарбий таълим соҳасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, 2020 йилдан буён Тошкент Ахборот технологиялари университети ва Хитойнинг PLA National Defence University ўртасида ҳарбий ИТ мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича ШХТнинг махсус таҳлил гуруҳларида ўзбекистонлик ҳарбий мутахассислар ҳам фаол иштирок этмоқда²⁷.

ШХТнинг ҳарбий соҳадаги институционал механизмларидан бири – Регионал терроризмга қарши структура (РАТС) бўлиб, унинг Тошкентда жойлашган бош қароргоҳи орқали Ўзбекистон терроризмга қарши разведка алмашинуви, электрон таҳдидларни баргараф этиш, трансчегаравий таҳдидларга қарши кураш бўйича маълумотлар интеграциясида фаол иштирок этмоқда²⁸.

Бу каби комплекс ёндашув, яъни ШХТ доирасида ҳарбий машғулотлар, таълим, таҳлил ва ахборот алмашинувини қамраб олган ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик стратегиясида муҳим ўрин тутди. Бу нафақат мамлакатнинг минтақавий барқарорликка қўшаётган ҳиссасини оширади, балки Қуролли Кучлар салоҳиятини халқаро талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилади;

➤ *Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (КХШТ) билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги* – Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида 1992 йилда тузилган Коллектив Хавфсизлик Шартномасига (КХШ) қўшилган ва 2006 йилда КХШ асосида тузилган КХШТга аъзо бўлган.

2012 йилда Ўзбекистон мазкур ташкилотдан чиқиш қарорини қабул қилган бўлса-да, КХШТнинг айрим аъзо давлатлари – хусусан, Россия, Беларусь ва Қозоғистон билан икки томонлама асосда ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни давом эттирмоқда²⁹.

КХШТ билан расмий институционал алоқалар тўхтаган бўлса-да, Ўзбекистоннинг муҳофаа соҳасидаги алоқалари давлатлараро шартномалар ва стратегик шериклик келишувлари орқали амалга оширилади. Жумладан, Россия Федерацияси билан 2018 йилда имзоланган “*Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида*”ги шартнома ҳарбий-техник ҳамкорлик, қўшма ҳарбий таълим дастурлари ва қурол-яроғ таъминоти соҳасидаги алоқаларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда³⁰. Ушбу шартнома доирасида ҳар йили Тошкент ва Москвада ҳарбий қўмондонлар, таҳлилчилар ва мутахассислар ўртасида хавфсизлик бўйича икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Шу билан бирга, 2020–2024 йиллар давомида Беларусь Республикаси Муҳофаа вазирлиги билан ахборот хавфсизлиги, электрон киберҳимоя ва ҳарбий ахборот тизимларини модернизация қилиш соҳаларида алоҳида ҳамкорлик шакллантирилган. Масалан, 2021 йилда Минск шаҳрида ўтказилган “Хавфсизлик-ИТ” форумида Ўзбекистон муҳофаа соҳаси ва ахборот технологиялари мутахассислари иштирок этиб, КХШТ аъзолари ўртасида киберҳимоя тизимлари интеграцияси борасида тажриба алмашдилар³¹.

²⁶ “SCO Peace Mission 2021 Wrap-Up,” Russian Ministry of Defence, 23.09.2021 // <https://eng.mil.ru>;

²⁷ Zhang, Wei. “SCO Military Education Cooperation: Uzbekistan’s Integration into Digital Defence Initiatives,” *China Defence Journal*, 2022, №3, pp. 112–118;

²⁸ SCO RATS Official Website, “Activities and Anti-Terrorism Strategies,” <https://eng.sectsco.org/rats/>.

²⁹ *Ситников, А.* “Ўзбекистоннинг КХШТ билан муносабатлари: истиқболлар ва хавфлар,” *Центральная Азия и Кавказ*, 2021, №1(117), с. 38–45.

³⁰ “О стратегическом партнёрстве между Российской Федерацией и Республикой Узбекистан,” *kremlin.ru*, 5.10.2018.

³¹ “Форум по кибербезопасности СНГ: итоги и рекомендации,” *Минобороны Беларуси*, 2021, <https://mod.mil.by>.

Қозоғистон Республикаси билан эса ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ҳарбий тиббиёт ва мудофаа логистикаси соҳаларидаги икки томонлама битимлар асосида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 2022 йилда Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси ва Қозоғистон Мудофаа университети ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ўзаро тан олиш, профессор-ўқитувчилар алмашинуви ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича меморандум имзоланган³².

Умуман, КХШТдан чиққандан кейин ҳам Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо давлатлар билан икки томонлама ва амалий ҳамкорликни сақлаб қолган ҳолда, ўзининг мустақил ва нейтрал ташқи сиёсатини юритмоқда. Бу сиёсат хавфсизликка таҳдид солувчи омилларга қарши курашишда кўп векторли ёндашув асосидаги ҳамкорлик моделини шакллантиришга қаратилган бўлиб, миллий манфаатларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда³³;

➤ *Шимолӣ Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО) билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги* – Ўзбекистон Республикаси НАТО билан муносабатларни 1996 йилда ташкилотнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” (*Partnership for Peace – PfP*) дастурига қўшилиш орқали бошлаган. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг нейтраллик ва кўп векторли ташқи сиёсат принципларига мос равишда, хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида йўлга қўйилган³⁴.

Partnership for Peace дастури доирасида Ўзбекистон ҳарбий кадрлар тайёрлаш, кризисларга жавоб бериш, миналардан тозалаш, тинчликпарварлик амалиётлари ва фуқаролик-ҳарбий ҳамкорлик соҳаларида бир қатор амалиётларда иштирок этган. 2000-йиллардан бошлаб Ўзбекистон ҳарбий мутахассислари Германия (*Garmisch-Partenkirchen*), Польша (*Warsaw PfP Training Center*) ва Грузия (*Krtsanisi Training Centre*)даги Partnership for Peace таълим марказларида мунтазам ўқув курсларини тугатиб келишмоқда³⁵.

2023 йилда эса ҳамкорлик янада янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси НАТО билан “*Индивидуал шериклик дастури*” (*Individual Partnership and Cooperation Programme*) доирасидаги алоқаларни қайта тиклади ва ушбу дастур асосида бир нечта устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди. Хусусан, киберхавфсизликни таъминлаш, ҳарбий кадрларни қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳамкорлигининг марказий нуқталаридан ҳисобланади³⁶.

Айниқса, *Individual Partnership and Cooperation Programme* доирасида НАТОнинг Женева хавфсизлик маркази (*Geneva Centre for Security Policy*) ва Таллиндаги Киберхимоя ҳамкорлик маркази (*NATO CCDCOE*) билан алоқалар фаоллаштирилган. 2023 йилда Тошкентда ўтказилган “*Cybersecurity and Strategic Stability*” мавзусидаги қўшма семинар НАТО экспертлари ва Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги иштирокида ташкил этилди, унда ахборот хавфсизлиги, стратегик таҳдидларга жавоб чоралари ва ҳуқуқий ислохотлар муҳокама қилинди³⁷. Шунингдек, *Partnership for Peace* дастури доирасида Ўзбекистон ҳудудида фуқаролик-ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, инсон ҳуқуқлари ва ҳарбий қонунчилик соҳаларидаги халқаро тажрибаларни интеграция қилиш бўйича қўшма лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда³⁸.

Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлиги сиёсий ва стратегик жиҳатдан жуда эҳтиёткорлик билан олиб борилмоқда. Мамлакатнинг “*бетарафлик*” ва ҳарбий-сиёсий блокларга

³² Қозоғистон Мудофаа вазирлиги расмий сайти: “Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик қилади,” *mod.gov.kz*, 2022.

³³ Мўминов Ж.Х. “Ўзбекистон ташқи сиёсатида хавфсизликка нейтрал ёндашувнинг моҳияти,” *Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик масалалари*, 2023, №1(19), 54–60-б.

³⁴ NATO Public Diplomacy Division, “Uzbekistan Joins the Partnership for Peace,” *nato.int*, 1996, <https://www.nato.int/pfp/uzbekistan.htm>

³⁵ “PfP Training Centres Network Annual Report,” NATO Education and Training Directorate, 2020.

³⁶ NATO Official Report, “Uzbekistan’s Enhanced Cooperation under IPAP Framework,” *nato.int*, 2023.

³⁷ Geneva Centre for Security Policy (GCSP), “Uzbekistan Cybersecurity Seminar Report,” 2023, <https://www.gcsp.ch>.

³⁸ NATO Civil Emergency Planning Committee, “Uzbekistan Cooperation in Civil-Military Planning,” *nato.int*, 2022.

қўшилмаслик сиёсати контекстида мазкур ҳамкорлик амалий, техник ва ўқув жиҳатларида чекланган тарзда йўлга қўйилган бўлиб, хавфсизлик соҳасидаги мувозанатни сақлашга қаратилгандир³⁹;

➤ *Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) билан ҳарбий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги* – Ўзбекистон Республикаси ЕХХТга 1992 йилда аъзо бўлган ва шу пайтдан бошлаб хавфсизлик, қурол-назорати, ҳарбий шаффофлик ва минтақавий барқарорлик соҳаларидаги ҳамкорликни изчил равишда ривожлантириб келмоқда. ЕХХТнинг хавфсизлик бўйича кенг қамровли ёндашуви (Comprehensive Security Concept) Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги “*мулти-вектор*” стратегияси ва “тинчликпарварлик дипломатияси” тамойиллари билан уйғунлашади⁴⁰.

ЕХХТ билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- 1. Вена Хужжати (Vienna Document – 2011) доирасидаги мажбуриятлар** – Ўзбекистон ҳар йили ЕХХТнинг Вена хужжати доирасида ўз қуролли кучлари тузилмаси, ҳарбий техника захиралари ва катта қўламли манёврлар ҳақида ахборот тақдим этади. 2022 йилда ЕХХТнинг ҳарбий-шаффофлик мониторинги доирасида Ўзбекистонда 3 та катта ўқув машғулотлари қайд этилган бўлиб, уларнинг мониторинги бўйича ташкилотга аъзо давлатларга маълумот тақдим этилган⁴¹;
- 2. ишонч чоралари ва хавфсизликни кучайтириш** – ЕХХТ доирасидаги “Confidence and Security-Building Measures” (CSBM) йўналишида Ўзбекистон 2019 йилдан бери ҳарбий атташе вакиллари учун манёврларни кузатишга рухсат берган. Шу асосда Польша, Германия ва Қозоғистон ҳарбий дипломатлари Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган “Ҳамкорлик–2022” машғулотларида кузатувчи сифатида иштирок этган⁴²;
- 3. халқаро ҳарбий-ҳуқуқий таълим ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик** – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари орасида ҳарбий хизматчилар учун инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ, ҳарбий зўравонликка қарши чоралар бўйича семинарлар ташкил этиб келинади. Масалан, 2021 ва 2023 йилларда Тошкентда ЕХХТнинг Хельсинки тамойиллари ва Қуролли кучлар фаолияти ўртасидаги муносабат мавзусида икки босқичли тренинглари ўтказилган⁴³.
- 4. қурол-назорат ва экспорт назорати соҳаларида ҳамкорлик** – ЕХХТнинг SALW (Small Arms and Light Weapons) дастури доирасида Ўзбекистонда енгил қуроллар ва портловчи моддалар устидан назоратни кучайтириш бўйича техник кўмак ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. 2020–2022 йилларда Ўзбекистон ва ЕХХТ ҳамкорлигида прокуратура ва ҳарбий-ҳуқуқ органлари вакиллари учун Қирғизистон ва Тожикистон билан чегара hududларида қурол муомаласи бўйича ҳуқуқий тартиб-қоидаларни мувофиқлаштириш бўйича тренинглари ташкил этилди⁴⁴.

ЕХХТ билан мазкур соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ички ислохотлар жараёнида ҳарбий соҳани демократик назорат асосида модернизация қилиш, инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва халқаро стандартларга мослашувини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда ЕХХТнинг Тошкентдаги Лойиҳа координатори (PCUz) орқали қатор хавфсизлик ва ҳарбий-ҳуқуқий ислохот лойиҳалари амалга оширилмоқда;

³⁹ Мўминов Ж.Ҳ. “Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бетарафлик тамойили ва НАТО билан амалий ҳамкорлик,” *Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик масалалари*, 2023, №2(20), 61–70-б.

⁴⁰ OSCE Secretariat. “*Conceptual Framework for Comprehensive Security.*” Vienna, 2020 // <https://www.osce.org/files/f/documents/e/1/42127.pdf>.

⁴¹ OSCE Annual Implementation Assessment Meeting (AIAM) Reports, 2022, <https://www.osce.org/aiam>.

⁴² OSCE Press Release, “Military Observers Monitor Uzbekistan Exercises,” 2022, <https://www.osce.org>.

⁴³ OSCE Project Co-ordinator in Uzbekistan, “Training on IHL and Armed Forces,” 2021–2023, <https://www.osce.org/project-coordinator-in-uzbekistan>.

⁴⁴ OSCE Document on SALW Control, Uzbekistan Country Report, 2022, <https://www.-osce.org/fsc/132025>.

- *Европа Иттифоқи (ЕИ) билан хавфсизлик ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги – Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги битим” (Partnership and Cooperation Agreement – PCA) имзоланган пайтдан бошлаб изчил ривожланиб келмоқда. Гарчи ЕИ тузилмасига тўғридан-тўғри ҳарбий иттифоқ сифатида қаралмаса-да, унинг ташқи ва хавфсизлик сиёсати (Common Security and Defence Policy – CSDP) доирасида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик хавфсизлик ва тинчликпарварлик соҳаларида фаол йўлга қўйилган⁴⁵. Буларга:*
- ***хавфсизлик соҳасида стратегик мулоқот** – 2021 йилдан бошлаб ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида хавфсизлик масалалари бўйича алоҳида стратегик мулоқот тизими жорий этилган. Бу мулоқот форматларида киберхавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, терроризмга қарши кураш, чегара хавфсизлиги ва радикаллашувнинг олдини олиш масалалари муҳокама этилади⁴⁶. 2023 йилда Тошкентда бўлиб ўтган “EU-Uzbekistan High-Level Security Dialogue” учрашувидан икки томон хавфсизлик соҳасида ҳарбий техника экспорт назорати, киберҳимоя ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувга эришган⁴⁷;*
- ***тинчликпарварлик ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик** – Европа Иттифоқи ташқи сиёсий дастурлари доирасида (EUSR for Central Asia, EUPST, CSDP missions) Ўзбекистон ҳарбий кадрлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун ҳар йили ЕИнинг “Europe’s New Training Initiative for Civilian Crisis Management” (ENTRI) ва “EUPST II” дастурлари доирасида семинарлар ташкил этилмоқда. 2022 йилда Ўзбекистон Миллий гвардияси ва прокуратура органлари вакиллари Афина ва Гаагадаги ENTRI курсларида иштирок этган⁴⁸;*
- ***киберхавфсизлик ва рақамли барқарорлик соҳасида ҳамкорлик** – ЕИнинг “Cyber Resilience for Central Asia” дастури доирасида Ўзбекистон ахборот хавфсизлиги бўйича миллий стратегиясини яратишда маслаҳат ва техник ёрдам олоқда. 2023 йилда ЕИнинг Киберхавфсизлик маркази (ENISA) ва Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида қўшма тадқиқот ва мутахассис тайёрлаш бўйича меморандум имзоланган⁴⁹;*
- ***қурол-назорат ва экспорт назорати соҳасида қўшма чоралар** – Ўзбекистон ЕИ билан қўшма қурол-яроғ экспорт назорати ва иккиламчи фойдаланиш хавфига қарши чоратadbирлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда. 2021–2024 йилларда Германия ва Нидерландия экспертлари билан ҳамкорликда “Arms Trade Treaty” (ATT) ва ЕИнинг “Dual Use Items” регламенти бўйича семинарлар Тошкентда ташкил этилган⁵⁰.*

Бу каби ҳамкорлик БМТ, ШҲТ, КХШТ, ЕХҲТ, НАТО, ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида нафақат хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот соҳаларида, балки ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлашга, соҳавий ислохотлар, халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқларини ҳарбий хизматда жорий этишга хизмат қилмоқда.

Юқорида келтирилган Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик йўналишларини тизимли таҳлил қилиш асосида, мамлакатнинг халқаро тинчликпарвар ташкилотлар, ҳарбий таълим платформалари ҳамда глобал хавфсизлик марказлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик муносабатларини илмий таҳлил асосида ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишларни комплекс таҳлил этиш нафақат мавзунинг илмий салоҳиятини оширади,

⁴⁵ European External Action Service (EEAS), “EU-Uzbekistan Relations,” <https://www.eeas.europa.eu>

⁴⁶ “EU-Uzbekistan Security Dialogue Deepens,” *EU Delegation to Uzbekistan*, 2021, <https://www.eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan>

⁴⁷ “EU and Uzbekistan Enhance Strategic Cooperation on Security,” *euractiv.com*, 12.06.2023

⁴⁸ ENTRI Reports, “Central Asia Participation in Peacebuilding Training,” 2022, <https://www.entriforcem.eu>

⁴⁹ ENISA Memorandum of Cooperation, “Uzbekistan-EU Cyber Resilience Initiative,” 2023, <https://www.enisa.europa.eu>

⁵⁰ EU Outreach Project on Dual Use Export Controls in Central Asia, 2022 Report, *sipri.org*

балки Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик фаолиятининг замонавий тенденцияларини очиб беришга, миллий ва халқаро хавфсизлик тизимларидаги интеграция жараёнларини теран англашга хизмат қилади. Хусусан:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарварлик амалиётлари ва ўқув марказлари – БМТнинг Peacekeeping Capability Readiness System (PCRS)⁵¹ ва Integrated Training Service⁵² (ITS) дастурлари қабул қилинган. Хусусан, Integrated Training Service⁵³ (ITS) дастури асосида Тошкентда халқаро тренерлар иштирокида “Peace Support Operations” мавзусида миллий ва минтақавий семинарлар ўтказилди. Унда Ўзбекистон билан бир қатор Марказий Осиё давлатларининг ҳарбий ва полиция кадрлари ҳам қатнашди⁵⁴;
2. Geneva Centre for Security Policy (GCSP) – Женева Хавфсизлик сиёсати маркази (GCSP) билан ҳамкорлик 2020 йилдан бошлаб ривожланиб, ҳарбий дипломатия, стратегик хавфсизлик таҳлили ва тинчликпарварлик бўйича ўқув курсларини ўз ичига олган. 2023 йилда GCSP ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида “Regional Stability and Security Leadership” дастури доирасида 5 нафар офицер Швейцарияда таҳсил олди⁵⁵. GCSP билан ҳамкорлик асосида Тошкентда 2023 йилда “Cybersecurity and Strategic Stability in Central Asia” мавзусида халқаро форум ташкил этилди, унда 10 давлатдан ҳарбий ва экспертлар қатнашди⁵⁶;
3. NATO Defence College ва PfP Training Centres – Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг PfP Training Centres (Германия, Польша, Грузия) ва NATO Defence College (Италия, Рим) каби таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, 2020–2023 йилларда Ўзбекистондан камида 60 нафар ҳарбий хизматчи ва дипломатлари PfP дастури доирасида “Civil-Military Planning”, “Conflict Prevention”, “Defence Institution Building” курсларини тугатган⁵⁷. Шунингдек, PfP марказлари билан ҳамкорлик асосида ҳам ҳарбий-ҳуқуқий таълим (инсон ҳуқуқлари, фуқаролик назорати, ҳарбий интизом ва ахлоқ) соҳасида қўшма тренинглар ўтказилади. *Польшадаги PfP Training Centre 2022 йилда Ўзбекистон бўйича махсус модулни жорий этди*⁵⁸.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан билиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг PCRS ва ITS дастурлари доирасида ҳарбий кадрларини тайёрлашда фаол иштирок этмоқда, минтақавий семинарлар ташкил қилмоқда. GCSP билан ҳамкорлик асосида ҳарбий дипломатия ва киберхавфсизлик соҳаларида ўқув курслари ва форумлар ўтказилмоқда. Бу ҳамкорликлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳарбий таълим ва тинчликпарварлик соҳаларидаги нуфузини мустаҳкамламоқда.

Эндиликда янги Ўзбекистоннинг айрим ривожланган давлатлар билан ҳарбий соҳадаги ҳарбий-техник ҳамкорлик, жанговар тайёргарлик, тинчликпарварлик операцияларида иштирок, ҳарбий таълим ва ҳарбий-дипломатик муносабатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ҳамкорлик алоқалари, аввало, глобал хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган, рақамли урушлар ҳамда трансмиллий хатарлар авж олаётган шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва стратегик имкониятларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жумладан:

⁵¹ Peacekeeping Capability Readiness System (PCRS) // <https://resourcehub01.blob.core-windows.net/>

⁵² UN Integrated Training Service organizes development course to certify Member State trainers to support pre-deployment standards for United Nations Police // <https://police.un.org/en/un-integrated-training-service-organizes-development-course-to-certify-member-state-trainers-to-0>

⁵³ UN Integrated Training Service organizes development course to certify Member State trainers to support pre-deployment standards for United Nations Police // <https://police.un.org/en/un-integrated-training-service-organizes-development-course-to-certify-member-state-trainers-to-0>

⁵⁴ United Nations Integrated Training Service Reports, 2022, <https://training.dpo.un.org>

⁵⁵ Geneva Centre for Security Policy Annual Report, 2023, <https://www.gcsp.ch>

⁵⁶ GCSP Central Asia Programme Newsletter, 2023, Issue 2

⁵⁷ NATO Education and Training Annual Review, 2023, <https://www.nato.int>

⁵⁸ NATO-PfP Training Centres Network Reports, 2022, <https://www.pfp-consortium.org>

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) – Ўзбекистон АҚШ билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни 2001 йилдаги стратегик шериклик доирасида бошлаган. Ҳар икки давлат терроризмга қарши кураш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ва ҳарбий таълим соҳаларида ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. 2020–2023 йилларда АҚШ Куролли Кучлари Марказий Қўмондони (CENTCOM) ва Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ўртасида бир неча марта юқори даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди⁵⁹. Шунингдек, АҚШ томонидан ҳар йили Тошкентда “Military Medical Cooperation,” “Disaster Response,” ва “Counter-IED” курслари ўтказилади. Шунингдек, 2023 йилда “Regional Cooperation” номли кўп миллатли машқларда Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари АҚШ, Қозоғистон ва Қирғизистон билан бирга қатнашди⁶⁰;

Хитой Халқ Республикаси – Хитой Ўзбекистоннинг ҳарбий-техник ва стратегик ҳамкорларидан бири сифатида шаклланган. 2015 йилда имзоланган “Ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” асосида икки томонлама машғулотлар, махсус кучлар ўртасида ўқув тайёргарлиги ва терроризмга қарши қўшма операциялар амалга оширилмоқда⁶¹. Шунингдек, 2022–2023 йилларда Хитой ва Ўзбекистон ҳарбийлари “*Фан-Жанговар ўқув машғулоти*” (Common Eagle) лойиҳаси доирасида махсус тактик машқлар ўтказдилар. Бундан ташқари, Хитой ҳарбий академиялари — жумладан, PLA National Defence University — ўзбекистонлик офицерлар учун ҳар йили квоталар ажратмоқда⁶²;

Россия Федерацияси – Россия билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик стратегик даражада ривожланган бўлиб, икки давлат ўртасидаги 2005 ва 2018 йилларда имзоланган битимлар асосида ҳарбий-техник, таълим ва разведка соҳаларида кенг қамровли алоқалар мавжуд⁶³. Ўзбекистон ҳар йили Россиядаги олий ҳарбий ўқув юртларига юзлаб курсантлар юбориб келмоқда. 2021–2023 йилларда “Жанубий-2021”, “Ҳамкорлик-2022” ва “Терек-2023” машғулотларида қўшма жанговар тайёргарлик ўтказилди⁶⁴. Россия томонидан Термиз ва Чирчиқда ҳарбий техника таъмирлаш ва модернизация марказлари ташкил этиш юзасидан қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда⁶⁵.

Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги геосиёсий мувозанат ва миллий манфаатларга асосланган. Бу ҳамкорлик **нейтраллик, ҳамкорлик дипломатияси ва асосланган ислохотлар** сиёсати билан уйғун ҳолда амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар билан ҳарбий таълим, жанговар машқлар, техник модернизация ва стратегик диалоглар салоҳиятни ошириш, халқаро стандартларга мослашиш ва барқарор хавфсизликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Юқорида келтирилган илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, бугунги кунда Янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эканлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан:

биринчидан, ҳозирда амал қилаётган “*Мудофаа тўғрисида*”*ги* ва “*Куролли Кучлар тўғрисида*”*ги Қонунларни* ҳарбий ҳамкорлик ва халқаро тинчликпарварлик соҳаларидаги фаолиятни фақат умумий қоидалар билан қамраб олинган. Мазкур қонунларнинг мазмунида:

а) БМТ, НАТО, ШХТ, ЕХХТ, ЕИ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида қонуний тартибга солинмаган;

б) парламент ва фуқаролик жамиятининг ҳарбий-дипломатик фаолият устидан назорати институционал асосда таъминланмаган.

⁵⁹ U.S. Department of Defense, “CENTCOM Commander Visits Uzbekistan,” 2023, <https://www.defense.gov>

⁶⁰ U.S. Embassy Tashkent, “Regional Cooperation Exercise with Uzbekistan Participation,” 2023.

⁶¹ Xinhua News Agency, “Uzbek-Chinese Military Cooperation Deepens,” 2022.

⁶² China Defence Ministry Report, “PLA Cooperation with Central Asian Armed Forces,” 2023.

⁶³ Ministry of Defence of the Russian Federation, “Military Cooperation with Uzbekistan,” 2022.

⁶⁴ Sputnik Uzbekistan, “O‘zbek va Rossiya qo‘shinlari o‘quv mashg‘ulotlari,” 2023.

⁶⁵ “Россия–Ўзбекистон ҳарбий-техник шериклик истикболлари,” *РИА Новости*, 2023.

Юқорида аниқланган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий ҳамкорлик ва халқаро тинчликпарварлик соҳаларидаги фаолиятни тизимли асосда такомиллаштириш мақсадида “*Халқаро ҳарбий ҳамкорлик ва ҳарбий-дипломатик фаолият тўғрисида*”*ги алоҳида қонунни қабул қилиш долзарб* ва илмий жиҳатдан асосланган ташаббус ҳисобланади. Ушбу қонун мазмунида куйидагиларни назарда тутиш лозим:

биринчидан, ҳарбий-дипломатик ҳамкорликнинг аниқ ҳуқуқий асосини белгилаш:

- *БМТ, НАТО, ШХТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик шакллари, механизмлари ва доирасини тартибга солиш;*
- *Халқаро тинчликпарварлик операцияларида иштирок этиш тартибини қонун билан белгилаш.*
- **иккинчидан, парламент ва жамоатчилик назоратини жорий этиш:**
- *Халқаро ҳарбий ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис қўмитасининг ваколатлари ва фаолият тартибини белгилаш;*
- *Фуқаролик жамияти институтларининг мониторинг ва фикр алмашиш имкониятларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш.*

учинчидан, кадрлар тайёргарлиги ва институтларнинг мувофиқлашувини таъминлаш:

- *халқаро курс ва миссияларга юбориш механизмларини қонун билан белгилаш;*
- *миллий тайёргарлик марказларини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш.*

Мазкур таклифлар келажакда:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий-дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик тизимини халқаро стандартларга мослаштириш ва стратегик шериклар билан ҳамкорликни ҳуқуқий асосда самарали ташкил этиш имконини беради;

иккинчидан, ташқи сиёсатда “*нейтраллик*”, “*мулти-вектор ёндашув*” ва “*тинчликпарвар дипломатия*” каби моделларни амалга ошириш учун институционал ва ҳуқуқий шароит яратилади;

учинчидан, фуқаролик жамияти ва парламентнинг назорати кучайтирилиб, ҳарбий ҳамкорлик соҳасида шаффофлик ва жавобгарлик принциплари таъминланади.